

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОГИСТОН: ҲАМКОРЛИК ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Хайруллаев Икром Илёсжон ўғли

ikromxayrullayev08@gmail.com

Аннотация: Ўзбекистон ва Қозогистон – энг яқин қўшни ҳамда иттифоқчи давлатлардир. Уларнинг муносабатлари умумий дўстлик ва яхши қўшничилик тамойиллари асосида қурилган. Икки мамлакатнинг тинч-тотувлиги, иқтисодий барқарорлиги доимо стратегик аҳамият касб этиб, бугунги Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликни мустаҳкамлаб бормоқда. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг яни босқичлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар, Иттифоқчилик муносабатлари, БМТ, ШХТ, МДХ, халқаро муносабатлар.

Ўзбекистон ва Қозогистон – энг яқин қўшни ҳамда иттифоқчи давлатлардир. Уларнинг муносабатлари умумий дўстлик ва яхши қўшничилик тамойиллари асосида қурилган.

Халқимизда “Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди”, деган биродарлик, жипслик, яхши қўшничилик каби мақсадларга ундовчи нақл бор. Дарҳақиқат, ўзбек ва қозоқ халқининг томири туташ, туркийзабон, анъаналари ва эпоси яқин, чегарадош бўлган қўшни эллар саналади. Икки мамлакатнинг тинч-тотувлиги, иқтисодий барқарорлиги доимо стратегик аҳамият касб этиб, бугунги Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликни мустаҳкамлаб бормоқда.

Ҳар икки давлат ҳам минтақавий шериклик кун тартибини изчил ривожлантироқда. Бу жараёнда ҳар бир мамлакатнинг узоқ муддатли ва изчил ривожланиши бутун минтақанинг барқарорлиги ва фаровонлиги билан узвий

боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит вужудга келди. Минтақа халқаро дипломатия, сиёсий фаоллик ва иқтисодий ривожланишнинг янги маркази сифатида шаклланмоқда.

1992 йил ноябрь ойида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён Ўзбекистон ва Қозоғистон ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорликнинг динамик моделини намойиш этди.

Маълумки, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий вазифаларидан бири – ўз ҳудуди атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев қўшниларимиз – Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни асосий устувор ташқи сиёсий йўналиш сифатида белгилаб берди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март ва 2021 йил 5-6 декабрь кунлари Қозоғистонга давлат ташрифлари, шунингдек, Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевнинг 2019 йил 14-15 апрель ва 2022 йил 21-22 декабрь кунлари Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифлари янги босқичдаги ўзаро ҳамкорлик учун кучли туртки бўлди. Ушбу ташрифлар натижасида бир қатор ҳукumatлароро ва идоралароро хужжатлар, шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги келишувлар тўплами имзоланди. Давлатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши икки томонлама муносабатларни мисли кўрилмаган юқори даражага кўтарган чинакам тарихий воқеа бўлди.

Икки давлат халқаро сиёsat масалаларида бир-бирини қўллаб-куватлаб, халқаро ташкилотлар – БМТ, ШХТ, МДХ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа ташкилотлар доирасида самарали ҳамкорлик

килмокда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар юзасидан томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқин.

Маълумки, Қосим-Жомарт Тоқаев Қозогистон ва Ўзбекистоннинг иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонунни имзолади. Ҳужжат сиёсий, савдо-иктисодий, транзит-транспорт, энергетика, фуқаро мудофааси ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган.

Ҳужжат сиёсий, савдо-иктисодий, транзит-транспорт, маданий-гуманитар соҳаларда, фуқаро мудофааси ва энергетика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган бўлиб, халқаро майдонда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни назарда тутади.

Шунингдек, халқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, кибержиноятчилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, ноқонуний савдо, шу жумладан, хавфсизликка оид янги чақириқ ва таҳдидларга қарши курашиб масалаларида ташқи сиёsat, мудофаа, хавфсизлик соҳалари, қурол, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларида яқиндан ҳамкорлик қилиш назарда тутилган.

Жорий йил август ойида Ўзбекистон ва Қозогистон Президентлари Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказдилар.

Оқўрда қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозогистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев раислигида Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Ташриф доирасида Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, бизнес форуми, сиёсий маслаҳатлашувлар, таҳлилий марказлар форуми, интеллектуал ўйинлар муваффақиятли ўтказилди.

Икки мамлакат раҳбарлари 2024-2034 йилларга мўлжалланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилинганини мамнуният билан қайд

этдилар. Бу дастур Ўзбекистон-Қозоғистон дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларида янги сифат босқичи бошланганини англаатади.

Халқаро саноат кооперацияси марказини ишга туширишни жадаллаштириш ва истиқболли лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун қўшма жамгарма ташкил этиш масаласини ўрганишга келишиб олинди.

Хусусан, сўнгги йилларда қозоғистонлик сармоядорларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши сезиларли даражада ортди. 2017 йилдан бошлаб Қозоғистондан мамлакатимизга киритилган инвестициялар ҳажми 23 баробар, яъни 10 миллион доллардан 2023 йилда 230 миллион долларгача ошди. Айни дамда Ўзбекистондаги Қозоғистон корхоналари сони ҳам ортиб бормоқда. 2016 йилга нисбатан уларнинг сони қарийб беш баробарга ошди (1100 дан ортиқ).

Мамлакатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдираётгани иқтисодий ҳамкорликнинг янги шаклларига эътибор қаратган ҳолда сармоявий ҳамкорлик қўлами ошиб бораётгани ва ўзаро манфаатли шерикликнинг истиқболли “ўсиш нуқталари”ни топишда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. ““Замонавий дунёда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кун тартиби”
2. “Центральная Азия – приоритет внешней политики Узбекистана”, 15 июль 2020 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги. “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати”, <https://mfa.uz/uz/pages/vneshnaya-politika>
4. <https://uza.uz/uz/posts>
5. <https://president.uz/uz/lists/view/7448>